

Мен Рамазон ойида рўза тутдим-у, лекин намозларни тўлиқ ўқимадим.

20:16 / 27.04.2016 2968

САВОЛ: Мен Рамазон ойида рўза тутдим-у, лекин намозларни тўлиқ ўқимадим. Бир танишим намоз ўқимасангиз рўзангиз қабул бўлмайди, деди. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аввало мен мухтарам савол эгасини 30 кун рўзани тўлиқ тутганлари билан чин қалбдан табриклайман. Аллоҳ таоло бошқа рўзадорлар қаторида бу кишининг ҳам рўзасини қабул қилган бўлсин. Бандаларнинг қилган амалларини баҳолаб, «ўқимаганингиз учун рўзангиз қабул бўлмайди» деган кишилар қайси ҳужжат, далилга суянганлари биз учун номаълум. Лекин шуни яхши билиш керакки, барча ибодатлар, барча амалларнинг қабул бўлиши учун асосий шарт иймон-эътиқоддир.

Шу билан бирга мукаллаф бўлишлик, яъни балоғат ёшига етганлик ва ақли-ҳуши жойида бўлишлик шартлари бордир. Бундан кейин ҳар бир ибодатга алоҳида яна қўйиладиган шартлар бўлади. Ана шу шарт-ларга қарайдиган бўлсак, рўза ибодатини қабул қилишга намоз ўқиш шарт этилмаган. Албатта бу дегани, «рўза тутиб, намоз ўқимай юраверса бўлади» деган гап эмас. Лекин билишимиз лозимки, рўза ўзи алоҳида фарз бўлган ибодат. У Исломнинг беш рукнидан бири ҳисобланади ва намоз ҳам ўзи алоҳида фарз бўлган ибодат. У ҳам Исломнинг беш рукнидан бири, балки диннинг устуниси ҳисобланадиган ибодатдир.

Шунинг учун намоз ўқимаслик албатта яхши эмас. Рўзани ўттиз кун ният билан тутган одам учун намозни ҳам ўқимоқлик ниҳо-ятда осон бир иш ҳисобланади. Шунинг учун барча мўмин-мусулмон биродарларга ўзимиз учун фарз бўлган намозни вақтида чиройли қилиб ўқиб юришимиз лозим эканлигини таъкидламоқчимиз. Лекин фикҳий маънодан гапирадиган бўлсак, Рамазон рўзасининг қабул бўлишига, иншааллоҳ, биз ишонамиз. Парвардигори олам қабул қилган бўлсин. Иншааллоҳ, бундан кейин намозларни ҳам вақтида ўқиб, рўзани ҳам ўрнида тутишни насиб қилган бўлсин. Валлоҳу аълам.